

Учкўприк туманида “Ёшлар дафтари”га киритилган 13 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ёшларнинг мавжуд муаммо ва камчиликларини ҳал этиш, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча худудларда “Ёшлар дафтари”нинг юритилиши ҳар бир ўғил-қиз тақдирни давлатимиз эътиборида эканлигидан далолат беради.

Учкўприк туманида ҳам ёшларнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари, таклиф ва истакларини ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ташкилланган навбатдаги тадбир давомида ҳам “Ёшлар дафтари”га киритилган 13 нафар учкўприклик йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Тадбирда туман ҳокими Аброржон Асқаров, сектор раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ходимлари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари иштирок этди.

Тадбир аввалида туман ҳокими ёшлар, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар учун доимий даромад манбаи яратиш, касб-ҳунарга ўргатиш орқали аниқ ва манзилли қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

“Ёшлар дафтари”га киритилган 13 нафар хотин-қизга замонавий тикув машиналари ва меҳнат анжомлари топширилиб, улар учун доимий даромад манбаи яратиб берилгани ҳам бу каби ташаббусларнинг амалдаги намунаси бўлди.

Шу куни 12 нафар хотин-қиз замонавий тикув машиналарига, бир нафар ёш эса қурилиш-таъмирлаш жиҳозига эга бўлди. Эътиборли жиҳати, бу ускуналар эҳтиёжманд йигит-қизларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишларига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида бепул тақдим этилди. Шунингдек, саломатлиги билан боғлиқ муаммолари бор З нафар ёшга даволаниш ҳаражатлари тўлаб берилди. Ушбу имкониятлар ёшлар бандлигини таъминлаш билан бирга, йигит-қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишида муҳим аҳамият касб этади.

2023-08-28 15:23:50